

НЕГМАТОВ Бобир Маджитович

Ўзбекистон Республикаси қуrolли кучлари
академияси

Миллий ифтихор ва ҳарбий ватанпарварлик
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди
e-mail: gulruh.nematova@mail.ru

ШАРҚ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ МАСАЛАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ВОПРОСОВ ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА ПРОТИВ НЕВЕЖЕСТВА В ВОСТОЧНОЙ ФИЛОСОФСКОЙ МЫСЛИ

CONCEPTUAL ANALYSIS OF THE ISSUES OF ENLIGHTENMENT AGAINST IGNORANCE IN EASTERN PHILOSOPHICAL THOUGHT

Аннотация: мақолада Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг жаҳолат, унинг ҳар қандай кўринишларига зарба бера оладиган ва у билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш учун асос бўлмиш илм-фан ва маърифат, уларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисидаги қимматли фикрлари илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бугунги кунда ушбу фикрлардан жамият ҳаётининг илмий-маърифий ҳамда маънавий-мафкуравий соҳаларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Таянч иборалар: илм-фан, илмлар таснифи, назарий илм, амалий илм, билим, жаҳолат, маърифат, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, камолот, комил инсон, баркамол авлод.

Аннотация: в статье научно-философски проанализированы ценные мысли Фараби, Беруни, Ибн Сины, о науке и просвещении, их значении в жизни человека и общества, которые могут нанести удар по любым проявлениям невежества и послужить основанием для предупреждения связанных с ним положений. Сегодня целесообразно широко использовать эти мысли в научно-просветительской и духовно-идеологической сферах жизни общества.

Базовые фразы: наука, классификация наук, теоретическая наука, прикладная наука, знание, невежество, просветительство, мораль, обучение-воспитание, совершенство, совершенный человек, гармоничное поколение.

Abstract: the article scientifically and philosophically analyzes the valuable thoughts of Farabi, Beruni, Ibn Sina, about science and enlightenment, their significance in human life and society, which can strike at any manifestations of ignorance and serve as a basis for the prevention of related provisions. Today it is advisable to widely use these thoughts in the scientific, educational, spiritual and ideological spheres of society.

Basic phrases: science, classification of sciences, theoretical science, applied science, knowledge, ignorance, enlightenment, morality, education, perfection, perfect man, harmonious generation.

КИРИШ

Одамлар онги ва қалбида маърифатнинг мутлақ устувор бўлишига эришиш кишилар тафаккурини бойитиш, уларда соғлом эътиқодни шакллантириш, бу йўлдаги амалий ишларнинг ҳозиржавоблигини таъминлаш, таъсирчанлигини оширишни тақозо этмоқда. Зеро, одамнинг ўз мустақил фикрига, эътиқодига, ҳаётий-миллий қадриятлар, шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши турли шаклларда, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишда содир этиладиган таъйиқларга бардош беришининг асосий шарти ҳисобланади.

Инсоният азалдан кишиларни тубанликка бошлайдиган, уларни қабих ва ғаразли мақсадларга ундаш билан боғлиқ ҳолат саналмиш жаҳолатга қарши курашиб келади. Чунки жаҳолат фозилликнинг аксидир. Жоҳил инсонлар ўткинчи, юзаки нарсалар, мол-дунё, шон-шухратни ҳақиқий бахт, деб ҳисоблайдилар ҳамда манманлик ва ўзаро бир-бирларини мақташ, кўкка кўтаришни яхши кўрадилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳозирги ўта мураккаб шароитда нафақат ёшлар, балки бутун жамият аъзоларининг ақл-заковати, билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат талаб этилади. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шу ўринда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг

қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” [11:23]. Шундай экан, замонавий илғор билимларни ўзлаштириш ва чуқур эгаллаш, чинакам маърифат эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши зарур.

Дарҳақиқат, халқ ва миллат дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия, ахлоқ нормаларини вужудга келтириш, баркамол инсонни тарбиялашда илм-фан ва маърифат масалалари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда тарихда ўтган буюк аждодларимизнинг бу борадаги улкан меросини чуқур ўрганиш ва ёш авлод онгига сингдириш зарур.

Фалсафий тафаккур тарихида Абу Наср Форобий (873-950)нинг илм-фан, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва инсоннинг камолотга эришувида муҳим омил эканлиги тўғрисидаги таълимоти катта аҳамиятга эга. У шундай ёзди: “Ҳар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, макр ва хийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, доно ва илмли кишиларни ҳурмат қилсин, улардан мол-дунёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар тўғрисида билимни эгалласин” [9:190].

Шарқ Арастуси илмни назарий ва амалий қисмларга ажратиб, назарий билимлар фаннинг барча турларини ўз ичига олишини таъкидлайди. Чунки, назарий билимнинг манбаи мавжуд борлик, унинг турли хусусият ва сифатларидир.

Форобийнинг фикрича, назарий билим доирасида фалсафа асосий ўринни эгаллайди. Унинг талқинига кўра, фалсафа борлиқнинг моҳияти ҳақида, бутун мавжуд нарсаларнинг мазмуни тўғрисида мукамал ва тўлиқ билим берадиган фан бўлиб, аниқлиги, ишончлилиги ва асосланганлиги билан бошқа илмлардан фарқ қилади. Шунингдек, буюк аллома фалсафа ақлий билиш, тушунча ва категориялардан ташкил топади, деб таъкидлайди.

Абу Наср Форобий фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш лозимлиги ҳақида сўз юритиб, бу масалада 9 та нарсага эътибор

бериш кераклигини, бу қоидаларни Арастудан олганлигини айтади. Булар, файласуфнинг келтиришича, фалсафада мавжуд бўлган турли оқимларнинг исмларини билиш; Арастунинг ҳар бир китобидаги мақсадни англаш; фалсафа билан шуғулланишни бошлаш учун лозим бўлган илмларни ўрганиш; фалсафани ўрганиш билан қандай мақсадга эришишини билиш; фалсафа билан машғул бўлганлар қандай йўл асосида иш олиб боришни билиш; Арастунинг асарларида қўлланилган сўзларнинг турлари билан танишиш; Арастуни ўз китобларида ноаниқликларни ишлатишга мажбур қилган сабаблар билан танишиш; фалсафани билишга интилувчи одамнинг қандай ҳолатда бўлишлигини ўрганиш; Арасту китобларини ўрганишни истаган одамларнинг нимага муҳтожлигини (аниқлаш) [13:19]. Форобий бу саволларнинг ҳар бирига ўзи жавоб беради. Масалан, аллома фалсафани ўрганишни қайси илмдан бошлаш керак, деган саволга, у турли фикрларни келтиради. Унинг келтиришича, Афлотун ва унинг тарафдорлари фалсафани геометрияни ўрганишдан бошлаш керак, деганлар. Афлотун мавзолейининг эшигига “кимки геометрияни билмаса, бизнинг олдимизга кирмасин”, деб ёзиб қўйилган экан. Бошқа юнон мутафаккири Теофраст эса фалсафани этика илмидан бошлаш керак, яъни инсон ўз руҳини тозалашдан бошлаши лозим, деган. Боесий эса табиат ҳақидаги илмдан бошлаш керак деса, Андроник фалсафани мантиқ илмини ўрганишдан бошлаш кераклигини айтган [13:23].

Мутафаккир юқоридаги фикрларни инкор қилмаган ҳолда, энг аввало, хулқ-атворни тозалаш зарур деган фикр тарафдори бўлади. “Бунга, - дейди Форобий, - хулқ-атворни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда (амалда) тозалаш орқали эришиш мумкин. Шундан сўнг хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат йўлини тушуниб олишга бошловчи нотик нафсини тозалаш зарур” [13:23]. Ана шундан сўнг геометрия ва мантиқ илми билан шуғулланиш зарур, дейди.

Бу борада ўз фикрларини давом эттириб, Форобий фалсафани (яъни ҳикмат илмини) ўрганишга киришмоқчи бўлганларга қатор талабларни қўяди. “Кимки фалсафани эгаллашга

интилса, - дейди Форобий, - аввал ўзини унга тайёрлаши керак, кейин эса шавқ-завққа эмас, балки фақат ҳақиқатга бўлган майлини сақлаб қолиш учун ўз ахлоқини табиий майллардан халос этиши керак ва шу билан бирга, фалсафа унинг асл мақсади бўлиб қолиши учун нутқини ўткирлаши керак” [14:41]. Унинг фикрича, фалсафа ҳар бир шахсга, шунингдек жамиятга, юксак мақсадларга эришиш учун хизмат қилиши керак. Шундай қилиб, Форобий назарий билимнинг ва хусусан фалсафанинг предмети-мазмунини таҳлил қилиб, файласуфлар ҳамда назарий билимларни ўрганувчилар олдида муайян вазифалар қўяди. Назарий билимларни амалий мақсадга – умумий бахт-саодатга эришувнинг курули, деб билади.

Шунингдек, улуғ гуманист ўз даврида фалсафа фанининг мақоми, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти масаласига алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, унинг фалсафага берган таърифи таҳсинга сазовордир: “мавжудлик ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фан фалсафадир” [17:110]. Ҳақиқатан ҳам “фалсафа воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини, уларнинг туб моҳиятини билишга қаратилган фандир” [17:110-111].

Форобий фалсафани ўрганишдан мақсад тўғрисида гапирар экан, у шундай дейди: “Фалсафани ўрганишдан олдинга қўйилган мақсадга келсак, бу (мақсад) ягона ва ҳаракатсиз олий яратувчини билишдир. У барча нарсаларнинг ҳаракати сабабчисидир ва у ўзининг билими, адолатлилиги ва саҳийлиги туфайли бу оламни тартибга солиб турувчидир” [13:24]. Мутафаккирнинг ушбу фикрлари ифодасини М.А.Берфманнинг қуйидаги сўзларидан ҳам англаш мумкин: “Форобий ва унинг издошлари дунёни ўрганишдаги интилишларида ислом дини доирасидан ташқари чиқмадилар ва бу йўлда фалсафа билан дин ўртасида иттифоқ туздилар ҳамда ўзларидан кейинги мутафаккирлар учун намуна бўлдилар” [6:122].

Абу Наср Форобий фалсафани ўрганмоқчи бўлган одам қандай фазилатларга эга бўлиши керак, файласуф деб қандай инсонга айтилади, ҳақиқий файласуф қандай билимлар ва ҳислатларга эга бўлиши, у сохта ва қалбаки файласуфлардан нималари билан фарқ қилиши керак, деган саволларга жавоб беради. Ушбу масалаларни у кўпроқ “Бахт-саодатга эришув ҳақида” асарида муфассал ёритади. Энг аввало, файласуф бўлмоқчи бўлган одам муайян ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиши лозим. Бу масалада тарихчи Байҳақий (вафоти 1169 й.) Форобийнинг қуйидаги фикрини келтиради. Форобий фикрича, бўлғуси файласуф ёш, одобли, Қуръон, тил ва қонуншунослик илмини яхши билиши, одамларга меҳрибон, покиза, тўғри сўз, илм соҳибларини ҳурматлайдиган бўлиши керак. У илмни касб, ҳунар қилиб олмаслиги учун бойлик тўплаш воситасига айлантормаслиги керак [3:195-196].

Шунингдек, аллома маданий кишини, умуман тараққий топган жамиятни илм ва маорифсиз тасаввур қилолмайди. Форобийнинг таъкидлашича, билимларни эгаллаш идеал жамият мавжудлигининг асосий шартидир. Олимнинг фикрича, фанлар ва умуман билимлар борлиқдан келиб чиқиб, борлиқни узоқ вақт ўрганиш асосида тўпланиб боради. Турли илмлар бир-бирини инкор қилмайди, балки ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Улар дунёни идрок қилишга ва инсонларнинг бахт-саодатга эришишига қаратилгандир.

Форобий комил инсоннинг фазилатли ишлари илмга асосланади, дейди. Аммо инсон ўз илмини амалий жиҳатдан татбиқ этиш воситаларига эга бўла олмаса, унда бу ҳол комиллик ҳисобланмайди. “Инсоннинг комиллиги унинг бажарган амалий ишларида ифодаланади. Масалан, котибнинг камолоти ёзиш санъатини ўзлаштирганлигидагина эмас, балки ўз касбига доир вазифаларни моҳирона бажаришидадир. Худди шунингдек, шифокорнинг камолоти ҳам унинг тиббиёт санъатига доир билимга эга бўлишида эмас, балки хасталиқни даволашнинг амалий воситаларини мукамал билишидан иборатдир. Бу ҳол ҳар қандай бошқа санъат соҳибларига ҳам тааллуқли” [2:166].

Мутафаккирнинг тасдиқлашича, ҳақиқатни билиш ва эътиқодли билим, шубҳасиз, гўзалдир. Форобий билимлар инсонни хушахлоқ, саховатли ва ақл-идрокли қилади, билимларсиз инсон ўзи кўзлаб яшаётган мақсадга эриша олмайди. Унингча, “муносиб инсон” бўлиш учун кишида икки имконият, яъни таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса кишилар билан мулоқотда инсоний қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир.

Жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган қомусий олим Абу Райхон Беруний (973-1048)нинг таъкидлашича, билишнинг асоси, бизнинг дунё ҳақидаги билимларимиз манбаи бўлмиш сезги аъзолари орқали олинган билимлардир. Аллома илмий билимлар ҳақида гапирар экан, бу – ақл-идрок туфайли эришилган ютуқдир, дейди. Шу боис Беруний бу соҳада тажрибанинг аҳамиятини алоҳида эътироф этади.

Манбалардан маълумки, Берунийнинг асарлари асосан табиатшунослик соҳаларига бағишланган, шунинг учун ижтимоий-фалсафий илмлар соҳасида аллома яхлит бир тизимга келтирилган таълимотни яратмаган. Аммо шундай бўлишига қарамай, Беруний бутун умри жараёнида, иқтисодий, ахлоқий муаммоларга катта қизиқиш билдириб, бу соҳаларда ўзининг асл фикр-мулоҳазаларини қолдирган [5:68].

Беруний жамиятни яхшилаш мақсадини фақат илм орқалигина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаб, шундай дейди: “Одамларни маънавиятга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳллари хурматлаши иқболнинг белгисидир. Хукмрон кишиларнинг маънавият аҳлини хурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади” [7:125]. Илм инсонга яхшилик билан ёмонликни ажратиш имконини беради, қалбни поклайди, равшанлаштиради, руҳни соғломлаштиради ва мустаҳкамлайди. Илм туфайли киши нафс иллатларидан халос этилади, нафс ўз моҳиятини танийди, инсон эса ўзлигини англайди.

Буюк аллома илм-маърифатга, унинг жамиятни камол топтиришда ижобий таъсир кучига чуқур ишонч билан қараган. Шунинг

учун илм олиш, илм тарқатиш ҳукмдорларнинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини қайд қилиб ёзади: “Илм соҳалари кўп, улар янада кўпаймоқда. Жамиятнинг юксалиши илм билан боғлиқ эканлигини тушунган одамларнинг интилишлари илм-маърифат сари бормоқда. Илм-фанларга, уларнинг соҳибларига бўлган иззат-хурмат ва ишончнинг ортиб бориши фикримизнинг далилидир. Бу авваламбор давлатни бошқарувчиларнинг бурчи, чунки одамлар қалбларини тирикчилик ташвишларидан, кундалик турмуш ғам-ғуссасидан халос этиш ва илм-маърифат билан рағбатлантириш ҳукмдорларнинг вазифасидир. Инсонлар қалби маънавиятга, илмга мойилдир” [7:286]. Мутафаккир илм-фаннинг аҳамиятини жамиятнинг фаровонлигини таъминлашда муҳим маънавий восита эканлигини мана шундай идеал шаклда тушунган эди.

Буюк мутафаккирнинг жамият ҳаётида олимлар ва уларнинг илмий фаолияти хусусидаги қимматли фикрлари ҳам эътиборга моликдир. Олимлар яратадиган илмий асарлар, Берунийнинг фикрича, фақат назарий-амалий аҳамиятгагина эмас, балки маънавий аҳамиятга ҳам эгадир. “Бордию фан бўлмаганида эди, - унинг қайд қилишича, - идрок этилаётган нарсa ёвузлик, кечилаётган нарсa эса яхшилик бўлиб чиқишига ишонч бўлмаган бўлур эди” [4:81]. Ана шунинг учун ҳам файласуф олимларни жамиятдаги улкан вазифаларга муносиб бўлишга, носамимийлик ва ғарзгўйликка йўл қўймасликка даъват этади, чунки бу нуқсонлар фанни инкор этишга ва фан ихлосмандларига нафрат билан қарашга олиб келиши мумкин.

Берунийнинг фикрича, ҳар бир олим “хушёр бўлиши, ўз хатоларини синчиклаб топиб олиши, ўзини қайта-қайта текшириши, ғайрат-шижоатини ошириб бориши ҳамда меҳнатдан зерикмаслиги шартдир” [4:137].

Берунийнинг фан тарихидаги хизмати шундаки, у ҳақиқий билимга эришишнинг муҳим ва тўғри усули – фаннинг услуб ҳамда воситалари орқали амалга оширадиган билишнинг илмий йўлидир, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда немис олими З.Захау шундай ёзади: “Беруний ҳар бир мавзунини Афлотун ва Арасту, Птолемей ва Гален ғоялари асосида тарбияланган ақл ҳукмидан ўтказиб, айна мавзуларни

ҳозирги замон танкидий ёндашуви руҳида тадқиқ этиши замондошларимизни шубҳасиз ҳайратга солиши муқаррар”. Бу эътирофдан хулоса қилиш мумкинки, ўша даврдаёқ Беруний фаолиятида умумилмий тадқиқот услуби ишлаб чиқилган бўлиб, бу унинг илмий изланишлари ва тадқиқотларида муҳим рол ўйнай бошлаган ҳамда илмнинг турли соҳаларида катта ютуқларга эришишига имкон яратган. Шунингдек, аллома “Ҳиндистон”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” каби асарларида диний ҳақиқат билан илмий ҳақиқатни аралаштириб юборгани учун ҳинд олимларини танқид қилади. Берунийнинг тасдиқлашича, илмнинг турли масалаларидаги ҳиндларнинг хатоси уларнинг ҳар хил диний ақидаларга амал қилишидан келиб чиққан.

Беруний бошқа Шарқ алломалари каби илм-фан ҳақида қуйидаги чуқур фалсафий хулосага келади: “Бусиз, яъни илм-фансиз инсон борлиги шубҳали бўлиб қолади. Илм ўз зоти билан матлубдир, ҳақиқатан ҳам у барча нарсадан лаззатли. Илмдан бошқа қандай нарсада манфаат зохирроқ ва қай бирида фойда кўпроқ бўлади, фақат илм билангина ҳам дин, ҳам дунё учун хайрли ишларни қилиш ва уларга зарар келтиришдан сақланиш мумкин. Агар илм бўлмаганида биз жалб қилаётган нарса яхшилик эмаслигига ишонч бўлмас эди” [4:62].

Шарқнинг улуғ мутафаккири тарих, этнография фанларининг келиб чиқиши ва илмий билиш назариясининг асосий қонуниятлари ҳақида “Ҳиндистон” асарида бундай дейди: “Хабарларнинг аксари ўтмиш миллатларнинг аҳволлари, расм-русум ва шариатларининг баёнидан иборат бўлиб, уларни билиш ақлий нарсаларга суяниш, сезиладиган нарсаларга таққослаш билангина бўлмай, балки китоб аҳллари ва турли фикр эгаларига асосланишни талаб қилади. Тарих исботида уларнинг сўз ва фикрларини бир-бирига қиёслаш керак бўлади. Лекин бундан аввал нафси кўпчилик мубтало бўлган ўйин-кулгидан, таассуб (мутаассиблик, фанатизм) ғалваларидан, кайф, ҳаво ва гурурга берилиш ва шунга ўхшаш ёмон хулқлардан тозаламоқ лозимдир. Албатта, шу баён қилганларим тўғри мақсадга етиш учун энг муносиб йўл ва шакл-шубҳаларни кетказишга қувватли ёрдамчидир” [15:77].

Беруний оламларнинг чексизлиги ва улар ҳақидаги билимларнинг ҳам чексизлигини таъкидлаб, барча илмларни эгаллаш учун бир инсон умри етмаслигини, аجدодлар қолдирган маънавиятни ўзлаштириш ва уларни янада ривожлантириш учун жуда кўп авлодларнинг ҳисса қўшиши зарурлигини уқтиради. “Инсоннинг умри, - дейди Беруний, - бир миллатнинг ҳамма хабарларини билишига кифоя қилмайди. Шундай бўлгач, ҳамма миллатларнинг хабарларини билишга қандай кифоя қилсин, бу мумкин эмасдир. Бизга лозими шуки, умматлар хабарларидан яқинроқ ва машхурроқларини олсак, бу хабарларни ўз аҳлларида тўплаб олсак, мумкин бўлганини ислоҳ қилиб, бошқаларини ўз ҳолича қолдирсак, бу ишимиз ҳақиқатни истаган ҳикмат дўстларига ёрдамчи бўлса ва биз етишолмаган нарсаларга уларни етиштирсак, деган умиддамиз” [15:77].

Жаҳон маданиятининг буюк намоёндаларидан бири Ибн Сино (980-1037) ҳам салафи Форобий, замондоши Берунийлар каби ўз давридаги илмларнинг ҳолати ва уларнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида қимматли фикрларни илгари сурган. Унинг фалсафий дунёқараши кузатиш ва тажрибага асосланган табиатшунослик илмларнинг таъсири остида шакллانганлиги кўпгина тадқиқотчилар томонидан таъкидланади. Бу масалада унинг қарашлари Арастуға яқин бўлган [16:97].

Шарқ гуманизмининг буюк намоёндаси Ибн Сино илм-фан тўғрисида шундай ёзади: “Ҳар қандай илмга нарсаларни билиш унинг бошланиш тамойиллари ва сабабларини, шунингдек, нарсаларга хос тасодифий ва зарурий белгиларни ўрганиш орқали эришилади. Ҳар қандай билим нарсанинг ички сабабларини билиш йўли билан пайдо бўлади. Бундан кўринадики, илм фактларни кузатиш, уларни ўрганиш ва сабабларини билишга асосланади. Илмнинг мақсади кузатиш ва текшириш қуролини тўғри билишдан иборатдир. Мана шундай қурол ёрдами билангина ўрганилаётган ҳодисалар ҳақида мукаммал билимга эга бўлиш мумкин” [1:5].

Ибн Синонинг эътиборга молик фикрларидан бири унинг одамларни, хусусан ёшларни фанни жиддий ўрганиш ва муайян

соҳада такомилга интилишга чақирганлигидир. Унинг фикрича, фан инсоният учун хизмат қилиши керак, шунинг учун ҳам олимлар табиат қонунларини кашф қилиб, уларни авлоддан-авлодга етказиб беришлари шарт. Кимки илм-фан чўққиларини қўлга киритишга интилса, ўша инсон мақсадга интилувчан, йўлида турган барча қийинчиликларни бартараф этишга тайёр бўлиши зарур. Бунда инсоний жасурлик, шижоатлилик катта рол ўйнайди. Ибн Синонинг ҳисоблашича, жасур кишилар илмий билимларни эгаллаган ва улардан халқ манфаати йўлида фойдаланадиган кишилардир. Бундай кишиларни у идеал, ақл нуруни таратувчилар деб атайди. Ўзининг “Ишорат ва танбиҳот” асарида шундай ёзади: “Маърифатли инсон жасурдир. У ўлимдан қўрқмас, камтарин ва кўнгли очиқ инсон. У сохта дўстлик ва бировларни камситишдан йироқдир. У қалби буюк инсон бўлиб, кишилар ўртасида бўладиган ҳар қандай камситишлар унга тааллуқли эмас” [8:294].

Алломанинг уқтиришича, илм-фансиз тараққиёт бўлмайди. Зеро, илм-фан учун бутун умрни бағишлаш ва жонни фидо қилиш керак. Шу билан бирга, буюк мутафаккир илмий билимларнинг нафақат инсоният тараққиёти учун аҳамиятини кўрсатибгина қолмай, балки айрим фанларнинг инсон жамиятидаги мақсад ва вазифаларини аниқлашга ҳам ҳаракат қилади. Хусусан, у “Нажот” китобида фанга қуйидагича таъриф беради: “Фан – бу ҳар бир нарсага қандай бўлса, ўшандайлигича ишонишдир, бу ерда бошқа нарсанинг бўлиши мумкин ҳам эмас. Демак, фан – бу нарсаларнинг моҳиятини таърифлар орқали англашдир” [12:76].

Ибн Сино ахлоқ илмини яхшилик ва ёвузлик, фазилат ва разолат чегараларини ажратиб берувчи, шунингдек, инсоннинг ҳақиқий бахт-саодатга эришиш йўлини топиш шарт-шароитларини белгилаб берувчи фандир, деб ҳисоблайди. Мутафаккир, салафи Форобий ва замондоши Беруний каби, фалсафа илмини икки қисмга: назарий ва амалий фалсафага ажратади. Назарий фалсафанинг вазифаси ҳақиқатни илмий-мантикий услубларда билишдан иборат бўлса, амалий фалсафанинг билиш предмети кишиларнинг бахт-саодатга эришиш йўлини ва воситаларини билишдан иборатдир.

Назарий фалсафа ташқи нарсаларнинг ҳолати, уларнинг моҳияти, ички сабабият-боғланиш қонуниятлари хусусида билим беради. Амалий фалсафа эса инсоннинг ўзи ҳақида, унинг хатти-ҳаракатлари ҳақида бўлиб, инсонга қандай яшаш, нималарни қилиш, нималардан ўзини тийиш лозимлиги, фаровон турмуш кечириш ва бахт-саодат эшикларининг калитини топиш йўлини кўрсатиб беради. Амалий фалсафанинг иккинчи қисми – сиёсат халқни, жамиятни бошқариш, идора қилиш илмидир. Бу илмнинг асосларини диний қонунлар, ҳадислар ва ахлоқий тамойиллар белгилайди. Сиёсат илмининг бош вазифаси жамият ҳаётининг устунларини мустаҳкамлаш ва кишилар уюшмасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик тамойилларини рўёбга чиқаришдан иборатдир. Оилани бошқариш фани ҳам сиёсатга тааллуқлидир. Унинг вазифаси оилада, кундалик турмушда, жамоа ва жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ва бошқаришдан иборатдир. Бу фан ҳуқуқий асосланувчидир. Ниҳоят, амалий фалсафага инсоннинг ўзини ўзи англаши, унинг ички мушоҳадаси, ўзига ўзи баҳо бериши ва ўзини қандай бошқариш хусусидаги қоидаларни билишдан иборат фан – психология ҳам қиради.

Шу тариқа мусулмон Шарқи фалсафий тафаккурида фалсафани маънавий тиббиёт илми сифатида қараш анъанаси шаклланган эди, яъни фалсафага инсон руҳини соғломлаштириш ва уни турли хасталиклардан даволаш воситаси сифатида қаралади. Мана шундай методологик тамойилдан туриб Шарқ мутафаккирлари-перипатетиклари ахлоқ илмининг мақсад ва вазифаларини белгилаганлар. Ахлоқий ҳиссиётлар ва меъёрларнинг манбаига доир масалада улар ахлоқий сифатларнинг туғмалигини тан олмаганлар. Лекин туғилишдан ҳар бир одамда фазилат ёки разолатга мойиллик мавжуд, бу сифатларнинг намоён бўлиши тарбия билан боғлиқдир, дейдилар. Шунинг учун яхши ахлоқий хулқлар – муайян тарбиянинг натижаси, деб қаралади. Масалан, Ибн Сино инсоннинг ахлоқий хатти-ҳаракатини киши иродаси билан боғлиқ бўлган онгли фаолиятдир, уни ақл бошқаради, деб ҳисоблайди [10:235].

Ибн Сино атроф-муҳитдаги барча нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро сабабий боғланишлар

асосида мавжудлиги ҳақидаги ғояни кишиларнинг хатти-ҳаракатларига, уларнинг жамият ҳаётида ўзаро муносабатларига ҳам татбиқ этади. Шунга кўра, ахлоқ илмининг ҳам, ҳар қандай бошқа фаннинг ҳам вазифаси нарсалараро сабабий боғланишларни билиш ва буни нарсаларнинг ўзидан топишдан иборатдир, деб қарайди Ибн Сино. Чунки, ҳақиқий илм-фан шундан далолат берадики, бирор нарсани билиш унинг мавжудлигининг сабаб ва оқибатларини билишга асосланади [10:139-140]. Илм ақлга асосланади, ақл эса яхшилик ва ёмонликни ажратиш мезонидир. Ақл инсонда ахлоқий ҳиссиётларнинг шаклланишида ёрдам беради.

ХУЛОСА

Мутафаккир аждодларимиз илм-фан, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва инсоннинг маънавий камолотидаги ўрни тўғрисида бағоят қимматли фикрларни билдирганлар. Улар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зеро, илм-фан равнақи ва унинг ютуқларисиз жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашдек муҳим амалларни рўёбга чиқариш ғоят мураккабдир. Шу боис, алломаларимизнинг бу борадаги фикрлари жаҳон фани тараққиётининг ажралмас қисми сифатида мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини оширишда, ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан соғлом, дунёқараши кенг инсонлар қилиб вояга етказишда ҳамда вайронкор, бузғунчи ғояларга қарши курашда муҳим назарий асос вазифасини бажаради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн.1. – Ташкент, 1954.
2. Абу Наср Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата: Наука, 1975.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993.
4. Абу Рейхан Бируни. Геодезия. Избр. соч., Т. 3. – Т.: Фан, 1967.
5. Al-Beruniis India. Al-Beruniis India, an account of the Religion, philosophy Literature, chronology, astronomy. Customs laws and astrology of India about A.D.1030 an English edition with Notes Indices by E.Sachau. I-II London, 1888.
6. Berfmann M.A. Al Farabi and the Concept of Happiness in Medieval Islam philosophy. Islam gufriferty. 1970. № 3.
7. Беруний. Ҳиндистон. Асарлар. II том. – Т.: Фан, 1965.
8. Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. – Душанбе, 1965.
9. Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. – М.: Наука, 1960.
10. Ибн Сина. Дониш-наме. – Сталинабад, 1957.
11. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022.
12. Рахимов С.Р. Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сины. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
13. Форобий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975.
14. Хайруллаев М.М. Форобий (Ҳаёти ва илмий мероси). – Т.: Ўзбекистон, 1991.
15. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. – Т.: Фан, 1959.
16. Wiedmann F. Avicennas Schrifts uber ein von ihm ersonnenes Beobachtungs Instrument «Acta orientalis». Leiden, 1927.
17. Ҳотамий Саййид Муҳаммад. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: Минҳож, 2003.